



**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ
ПРОФЕССОР, ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (МАРТ, 2014 йил)**

Кафедралар бўйича

Доцент:

Стоматология факультетининг
“Фтизиатрия” кафедраси

Катта ўқитувчи:

Даволаш факультетининг “Бо-
лалар касалликлари” кафедраси

Ассистентлар:

Тиббий педагогика факульте-
ти 2-сон тиллар, педагогика,
психология кафедраси ўқитувчи

Тиббий педагогика ва стома-
тология факультети ИКП, гема-
тология ва ҳарбий дала тера-
пияси кафедраси

Тиббий педагогика ва стома-
тология факультети Факультет
ва госпитал терапия кафедраси

Тиббий педагогика ва стома-
тология факультети Юқумли ка-
салликлар ва болалар юқумли
касалликлари кафедраси (2,0
ўрин)

Тиббий профилактика факультетининг
“Халқ тиббиёти, ре-
абилитология ва жисмоний тар-
бия” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб
бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг
девоҳона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани,
Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Тиббий профилактика факультетининг
“Болалар ўсмирлар
овқатланиш гигиенаси” кафедраси

ОМХ факультетининг “1-сон
тиллар педагогика ва психоло-
гия” кафедраси

Стоматология факультетининг
“Психиатрия” кафедраси

Стоматология факультетининг
“Ортопедик стоматология ва ор-
тодонтия” кафедраси

Стоматология факультетининг
“Жарроҳлик стоматология” ка-
федраси

Даволаш факультетининг
“ИКП гематология ХДТ ва касб
касалликлар” кафедраси

Даволаш факультетининг “Фа-
культет ва госпитал терапия”
кафедраси

Даволаш факультетининг
“Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг
“Болалар касалликлари” ка-
федраси



БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Уйғониш ва янгилиниш, қут-барака элчиси
Наврўзи айём шуқуҳидан диллар яйрамоқда.
Тинч ва осойишта юртимизга тўй-томошалар,
байрамлар ярашади.**

**Мамлакатимизда Наврўз қадриятлари билан
жорий йилнинг Соғлом бола йили йили деб эълон
қилинишида ҳам ўзгача узвийлик мужассам.
Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, хайру
саховат, меҳр-оқибат тимсолидир.**

**Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш,
яшариш айёми бу йил дилларимизни яна қувончу
шодликка чулғади. Наврўз халқимизни тинчлик,
баҳамжиҳатлик, хайру саховатга чорламоқда.**

**Ҳурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-
ёшлар! Сизларни мана шу гўзал, тароватли
Наврўз айёми билан чин дилдан қутлаймиз.
Сизларга аввало соғлиқ-омонлик,
оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-
саодат тилаймиз. Илмий изланишларингиз ва
ўқишларингизда омад ёр бўлсин. Наврўзи
оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни
поклаб, нурафшон айласин.**

Ректорат

**«НАВРЎЗ» халқ
байрамининг инсоний
ва байнаамилал
МОҲИЯТИ**

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг тарки-
бий қисми унинг азалий удумларини одат, ма-
росими ва байрамлари ташкил қилади. Шу боис
мустақиллик йилларида амалга оширилган маъ-
навий тикланиш ҳақида гапирганда халқнинг аза-
лий қадриятларини тиклаш борасида олиб бо-
рилган ислохотларни алоҳида таъкидлаш лозим.
Бу ўринда халқимизнинг азалий қадрияти, се-
вимли байрами ҳисобланмиш “Наврўз” байра-
мининг халқимизга қайтариб берилиши мамла-
кат тарихида катта воқеа бўлди. Маълумки, Ўзбе-
кистонда Президент И.Каримов ташаббуси бил-
лан “Наврўз” байрами умумхалқ байрами сифа-
тида нишонланадиган бўлди.

Дарҳақиқат, авлодларимиз Наврўзни жуда
муқаддас билган. Ўзбеклар ва Ўрта Осиёдаги
бошқа халқларнинг тарих синовидан ўтган бай-
рамлари ва маросимлари кишиларнинг ўзаро
муносабатларидеги яхши фазилатлари, чинакам
халқчил, умуминсоний қадриятларини акс эт-
тиради.

Урф-одат ва маросимларда ўзбекларнинг
миллий руҳияти, уларнинг маънавий онгининг
содаллиги ва феъл-атворининг шакллари ҳам на-
моён бўлди. Асрлар давомида шаклланиб, авай-
ланиб келинган ижобий расм-русум ва одатлар,
ватанга садоқат, ёши катталарга ҳурмат, ота-она-
ларга, етимларга ва қарияларга ғамхўрлик,
меҳмондўстлик, қон-қариндошлик ва ўзаро
ёрдам, оила ва аёллар шайни эҳтиётлаш, ҳаёт-
дан кўз юмган узоқ-яқин кишилар хотирасини
ёд этиш қабилар ижтимоий характерга эга
бўлган.

Уша даврда яшаган улғу сиймолар Маҳмуд
Қошғарий ва Умар Ҳаёмлар ҳам Наврўз тўғриси-
да анча қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдир-
ганлар. Уларнинг асарларида Наврўзнинг таби-
ат қонуниятига мувофиқ томони қайд қилиниб-
гина қолмай, у билан боғлиқ турли ирим, урф-
одат ва маросимлар тўғрисида ҳам қимматли маъ-
лумотлар келтирилган. Наврўз байрами катта ом-
мавий сайиллар, халқ ўйинлари, мусобақалар,
созанда ва раққосалар, масхарабоз ва дорбоз-
лар иштирокида ўтади.

Давоми 3-бетда.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi
RISOGRAFIDA
1000 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan


Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Gazeta bepul tarqatiladi



**Баъзилар шодлигини бўлишадилару ташви-
шингдан қочадилар.**





«Талабалик баҳори»

**Васли аро кўрдим тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир улур бўлди Наврўз.
Алишер Навоий**

Наврўз дастлаб табиатнинг уйғонишидан, баҳордаги деҳқончиликнинг бошланишидан дарак беради, яқинлашиб келаётган тўкинлигу баракадан хабарлар келтиради. Наврўз Республикаимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ўзига хос тантана билан нишонланади. Оналаримиз келинларини ишга солиб, тансиқ таомлар пиширишади, момоларимизга қандайдир куч кириб, юпқалар орасига қаймоқ суртиб, қозонда тоблайдилар, боболаримиз ўғилларини, набираларини ишга солиб ўчоқ ясаб, катта қозонда сумалак пиширишга тайёргарлик кўришади. Наврўз кунлари гиналар унутилади, жиянлар узоқ вақт кўрмаган ёки бетоб бўлиб ётган амма-ю холаларини, тоға-ю амакиларини йўқлаб боришади, уларни олтин дуоларини олишади. Тарихимиз ва адабиётимизда Наврўз ҳақида ёзилган асарлар кўп. Ҳатто буюк математик Абу Райхон Беруний, улуг аллома Заҳридин Муҳаммад Бобур, шеъринг мулкларини султони Алишер Навоий ҳазратларининг асарларида ҳам Наврўзни нишонлаш ҳақида кўплаб маълумотлар бор. Умар Ҳайём ўзининг “Наврўзнома” асарида Наврўзни нишонланганлигини таъкидлаб ўтган.

Наврўз байрами бизнинг Тошкент Тиббиёт академиямида ҳам ҳар йили кенг нишонланиб келинади. Дастлаб Наврўзга тайёргарлик ишлари бўлиб ўтади. Бутун атроф тозаланади, ўқув бинолари ва талабалар турар жойлари тартибга келтирилиб, ораста қилинди. Бу йил ҳам академия ҳудудларига гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Байрам олди шанбаликларида, яқинлашиб келган баҳор фаолликларида барча профессор-ўқитувчилар ва талабалар фаол иштирок этдилар.

Дошқозонларда ошлар дамланди, турли миллий таомлар тайёрланди, сумалак солиниб атрофида ўйин-кулгилар бўлиб,

яхши ниятлар билан сумалаклар кавланди. Байрам шодиёналари байрамларга уланиб кетди, яъни “Соғлом бола йили”га бағишлаб ўтказилаётган “Талабалик баҳори” қатнашчиларининг бадий чикишлари байрамга ўзгача файз бағишлади. Беш йўналиш бўйича ўтказилаётган “Талабалик баҳори” қатнашчиларининг чикишларини тадбирга йиғилганлар қизгин олқишлар билан кутиб олдилар. Ушбу тадбир ниҳоясида академия маънавий – маърифий ишлар бўйича проректори профессор Т.А.Бобомуратов йиғилганларни Наврўз байрами билан муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди. “Талабалик баҳори” иштирокчиларини тақдирлаш учун ҳаёят аъзоларидан Л.К.Абдуқодирова ҳамма қатнашчиларни чин дилдан табриклаб уларга янада улкан зафарлар тиладилар ва ғолиблар Фаҳрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларни топширдилар.

Наврўз байрами ҳаммада кўтаринкилик, шодлик ҳисларини уйғотди, доимо шундай шодиёна кунларимиз ҳаммамизга ёр бўлсин.

Наврўзингиз муборак бўлсин!!!

**Наима СОЛИҲОВА,
Сарвар МАВЛОНОВ**

Наврўз тадбири



Айни кунларда Ўзбекистон халқи Наврўз айёмини қизгин нишонламоқда. Наврўз ҳар бир шаҳар, қишлоқ, маҳаллада, вилоятларда, ҳар бир жойда ўзини кўп йиллик анъаналарига содиқ қолган ҳолда нишонланади.

Бизнинг Тиббиёт академиямизнинг кўп сонли профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам ҳар йили Наврўз байрамини интиқлик билан кутадилар. Мана бу йил ҳам Наврўз байрамига тайёргарлик анча илгари бошланиб кетди. Академиямизнинг талабалари турар – жойларида Наврўзнинг тансиқ таоми Сумалак тайёрланди. 5-сонли талабалар турли хил танловлар ўтказилди. Ўйин, қувноқ кўшиқлар, шўх рақслар кечгача тинмади.

Талабалар шаҳарчасидаги барча факультетлар талабалари ушбу тадбирда ўз санъатларини намойён этишди ва улардан энг фаоллари академия талабалар кассаба уюшмаси, “Камолот” ЁИХ ташиқоти томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Тадбирда энг фаол талабалар гуруҳи ОМХ факультети қизлари талабалари деб топилди.

**Ю.МАХМУДОВ,
фалсафа фанлари номзоди**

Ёшлар — келажакимиз

БАРЧАСИ УЧУН ТАШАККУР, ВАТАН!

Билолиддин ўн тўққиз ёшида бундай юксак мукофот билан тақдирланишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Тўғри, тўққизинчи синфда ўқиган кезлари, кимёдан вилоят фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаганда республика миқёсида зафар кучини ҳам ўйлаган, бу ғолиблик унга нима тақдим этишинида тасаввур қилган эди.

Шу ёшда “Шухрат” медали билан тақдирланиш эса унга ҳаётидаги оламшумул воқеа бўлиб туюларди. Бироқ у кутмаган, тенгдошимизни келгусидаги муваффақиятлари сари руҳлантирган ажойиб воқеа юз берди — Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги “Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида биноан Билолиддин Шаробиддинов “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Тенгдошимиз Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидан. У бешинчи синфгача Кушқўноқ қишлоғидаги 42-мактабда, кейин тумандаги 53-ихтисослашган мактаб-интернатда таълим олди. Ҳамма фанга бирдек меҳр қўйган эса-да, кимё унинг келажак йўлини ёритувчи машъала янглиғ порлаб, Билолиддиннинг алоҳида қизиқишига сабаб бўлди. Шу боис ҳам у кимёни астойдил ўрганишга, фаннинг сир-асрорини пухта ўзлаштиришга интилди. Тўққизинчи синфда ўқиётганида эса вилоят фан олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади. Энди у ўз олдига янада улкан мақсадларни қўйди, янги марраларни забт этиш учун шахд билан киришди. Эътибор берганмисиз, ўқишга, билим олишга дилдан меҳр қўйган кишини ҳеч бир машаққат чекинтиролмайдди. Аксинча, қийинчиликлар инсон иродасини тоблаб, мақсади учун курашишга, ҳаётда собитқадам бўлишга ундайди. Билолиддин гарчи жиддий қийинчиликни бошдан ўтказмаган бўлса-да, илмнинг меҳнатталаб йўлида заҳмат торттишига тўғри келди. Эзгу ниятларига эришиш истаги уни пойтахтимизга, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирождидинов номидаги академик лицейга бошлади.

Замонавий ўқув жиҳозлари ва лаборатория ускуналари билан таъминланган, ўз ишини пухта биладиган, тажрибали педагоглар меҳнат қилаётган лицейда ҳам тенгдошлари орасида ҳар жиҳатдан пешқадам бўлишга ҳаракат қилди. 2012 йил кимё фани бўйича ўтказилган фанлар олимпиадаси унинг ҳаётида муваффақиятларга тўла янги саҳифани очди. Ўшанда Билолиддин республика босқичида 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинди. Орадан бир йил ўтиб, Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасида тенг-



дошимиз олтин медални қўлга киритди. Ўшанда биринчи ўрин учун беллашув нечоғли қийин кечганини тасаввур қилиш учун дунёнинг 17 давлатидан 117 нафар сара иқтидор эгаси қатнашганини кўз олдимишга келтириш кифоя қилади.

2013 йилнинг 15-24 июль кунлари кимё фани бўйича Москва шаҳрида бўлиб ўтган 45-халқаро олимпиададаги иштироки ҳам Билолиддиннинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бўлди. У 77 давлатдан 308 нафар иштирокчи қатнашган ушбу нуфузли беллашувда юртимиз шарафини дадил туриб ҳимоя қилди ва бронза медални қўлга киритди.

Билолиддин мазкур халқаро олимпиадаларнинг ҳар бирига алоҳида пухта тайёргарлик кўрди, назарий ва амалий жиҳатдан билимини такомиллаштиришга интилди. Чунки тенгдошимиз бу беллашувлар шунчаки билимини синовдан ўтказадиган мусобақа эмаслигини, унга

ота-онаси, устозлари, энг муҳими, улар сиймосида халқимиз ишонч нигоҳини тикканини яхши биларди. Ва шу ишонччи оқлаш, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш учун беллашди ва номи ғолиблар қаторида эътироф этилди.

Билолиддин академик лицейни тамомлаб, Тошкент тиббиёт академиясига имтиёзли қабул қилинди. У таълим муассасасида ҳам фаол, тиришқоқ талабалардан. Кимё фани бўйича олган билимларини тиббиётда амалиётга татбиқ этиш учун мунтазам изланишда.

— Менимча, юртимизда улғаяётган ҳар бир тенгдошимизнинг юрагида Ватанимиздан чуқур миннатдорлик ҳисси мужассам. Чунки бизга яратилган шароит ва имкониятларни бошқа давлатлар билан қиёслаганда, ҳақиқатан ҳам, имкониятлар мамлакатда яшаётганимизга ишонч ҳосил қиламиз, — дейди “Шухрат” медали соҳиби Билолиддин Шаробиддинов. — Юртимиздаги барча соҳа ривожига бирдек эътибор қаратилиб, биз, ёшларга юксак ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдоримиз. Бизга билдирилган ишонччи оқлаш учун бор билим ва куч-ғайратимизни сафарбар этамиз!

Тенгдошимизнинг мақсади улкан, нияти бутун. Энг муҳими, кўнглида эртанги ҳаётга ишонч, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истаги мужассам. Шу эзгу мақсадлари рўёбга чиқишига биз ҳам ишонамиз. Зеро, кимки эзгу ниятда бир ишга астойдил бел боғласа, йўли ойдин, тилаги ижобатдир.

**Жобир АҲМЕДОВ,
даволаш факультети 1-2-курслар бўйича
декан муовини**



Нафс ортидан кетганларнинг ҳолига вой.



Ҳурматини билмаган ўзини уялтиради.



Маълум

ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ

Тошкент Тиббиёт академияси 1-сон тиллар, педагогика психология кафедрасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, кафедранинг англис, немис, француз тиллари ўқитувчилари 2013 май –июнь ойларида Ўзбекистон Давлат Миллий университети, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетиде малакаларини ошириб келишди. Шунингдек, тест синовларини муваффақиятли топширган ўқитувчилар сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетиде Тренерлик курсларида ўқишди.

Эндиликда кафедрада Олмазор тиббиёт коллежи, Чилонзор тиббиёт коллежи ҳамда Турсунўжаева ва Ф.П. Боровский номидаги тиббиёт коллежлари, Тошкент Тиббиёт академиясининг академик лицейи билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилиб, режа бўйича янги педагогик технологиялар асосида очиқ дарслар ўтиб беришмоқда. Кафедрда ёки коллежларда ташкил этиладиган тадбирлар биргаликда ўтказилмоқда. Масалан, Олмазор тиббиёт коллежида чет тилларни педагогик технологиялар асосида ўқитиш мавзусида, Халқаро тиллар кунига бағишланган тадбирлар ҳамкорликда ташкиллаштирилди. Шунингдек, ўқув дарслари, низомилар, ишчи дастур ва мажмуалар кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида тузилмоқда.

К.АВИЛОВА,
1-сон тиллар педагогик ва психология кафедраси катта ўқитувчиси

2014 йил — Соғлом бола йили

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Жорий йил Юртбошимиз ташаббуси билан “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан айна пайтда тиббиёт, жумладан она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишга доир устувор вазифаларни ўз ичига олувчи Давлат дастури ҳозирланмоқда. Унга мувофиқ ўтган йиллар давомида амалга оширилган эзгу чора-тадбирлар янги ташаббусларга ҳамоҳанг равишда давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз “Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир” дея таъкидлади. Дарҳақиқат, оилада фарзанд келажаги учун замин ҳозирланади. Унинг етук шахс бўлиб шаклланиши, касб-хунар ўрганиши, жамиятга муносиб ўрин эгаллаши ва энг муҳими, соғлом фикрлаши оила муҳитига бағлиқдир.

Мамлакатимизда қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳар бир қизнинг ўз саломатлиги учун масъулиятни ҳис этишга, янада фаолроқ бўлишга ундамоқда, болалар спортини ривожлантириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожлантирилмоқда. Мамлакатимизда спортга бўлган юксак эътибор туфайли академик лицейда таҳсил олаётган ўқувчи-қизларимиз спорт соҳасида юқори натижаларга эришмоқда. 107-гуруҳ ўқувчиси Саида Жўраева “Жар спорт мажмуаси”да каратэ-до ҳамда кўл жанги бўйича ўтказилган ўртоқлик мусобақасида 1-ўринни эгаллади ва шунингдек, болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган каратэ-до ҳамда кўл жанги бўйича ўтказилган мусобақада ҳам 1-ўринни эгаллади.

ТТА қошидаги академик лицей 207-гуруҳ ўқувчиси Амануллаев Санжар энгил атлетика бўйича болалар

“Бизнинг вазифамиз, керак бўлса, олий бурчимиз — фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келган барча-барча ишларни амалга оширишдан иборатдир”.

Ислом КАРИМОВ

ва ўсмирлар махсус Олимпия захиралари мактаблари ва болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасидаги 39-Ўзбекистон чемпионати мусобақасида фахрли 2-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан II даражали диплом билан тақдирланди.

104-гуруҳ ўқувчиси Журъатова Фотима спортнинг бадий гимнастика тури билан шуғулланаётган умидли ёшларимиздандир.

Оммавий спорт тадбирларига хотин-қизларни кенг қўламоқда жалб қилиш 2014-йил “Соғлом бола йили”-да соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларни маънавий, ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ва спорт орқали ўқувчилар бўш вақтларини унмўли ўтказиш мақсадида ТТА қошидаги академик лицейда ўқувчи-қизлар ва аёл ходимлар ўртасида спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка, волейбол ва энгил атлетика спорт турлари бўйича мусобақа ўтказилиб, ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

Ўзбекистон Президентини Ислом Абдуғаниевич Каримов қизларимизнинг спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон спортнинг ривожланишига шароит яратиб бердилар. “Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир”, деган шиор ҳар биримиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, соғлом фарзанд — соғлом келажак, демакдир. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча-барчани ўлкамизга кириб келган Наврўз айёми билан муборакбод этамиз.

Д.Т.КУДРАТОВА,
ТТА қошидаги академик лицей хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти раиси

НАВРЎЗ — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ

Давлатимиз миллий истиқлолни қўлга киритгандан сўнг халқимизнинг шонли тарихни тиклаш, миллий урф-одатларимиз ва қадимий байрамларимизни нишонлаш имкониятини қўлга киритди. Аслида, “Республика Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида” Юртбошимизнинг Фармони 1991 йил 12 февралда имзоланган бўлиб, мана неча йилдирки, Наврўз нафақат қадимий, балки миллий истиқлолимиз ва ўзлимизнинг тимсоли сифатида юртимизда бир кун эмас, бутун баҳорий ойлар давомида кенг байрам қилинмоқда. Дарҳақиқат, Наврўз янгиликни ва яшариш, уйғониш палласидир. Наврўз ҳақида Шарқ халқларининг ёзма манбаси бўлган “Авесто” китобида ҳам маълумотлар қайд қилинган.

Наврўз байрамига таъриф берар эканмиз, уни инсонни улғулаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжихатлик, биродарлик, меҳр-шавқат байрами дейиш ҳам ўринли. Негаки, ушбу кунда халқимизнинг эзгу фазилатлари бўлган меҳр-шафқат, яъни беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш, иззат-икром туйғуларини янада кучайтириш ишлари давом эттирилади.

Республикамизнинг барча муассасаларида бўлгани сингари биз таҳсил ола-



ётган Тошкент Тиббиёт академиясида 17 март куни Наврўз байрами “Сумалак сайли” тадбири остида жуда кўтаринкилик билан ўтказилди. Ушбу тадбирда “Талабалик баҳори фестивали”, “Сумалак сайли”, “Спорт мусобақалари” ва бошқа қизиқарли рухналар ўрин олди. Академиядаги Наврўз тадбирида барча талабалар ва устоз-мураббийлар бирдек фаол иштирок этишди, мусиқий чиқишлар намойиши этилди.

Албатта, бундай кенг миқёсли тадбирлар биз талабаларга ғурур ва ифтихор бахш этади. Чунки биз Озод Юртнинг ўғил-қизларимиз, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларимиз бисёр. Асосий вазифамиз эса чуқур билим эгаллаб, халқимиз саломатлиги йўлида фидойи шифокорлар бўлиб етишишдир. Шунингдек, халқимизнинг

Наврўздек улғу байрамларини, миллий урф-одатлари ва қадриятларини келажак авлодларга бекаму-кўст етказишда ўз ҳиссамизни қўшишдир. Ватанимиз мустақиллигини ўз билимларимиз ва касбий салоҳиятимиз билан мустаҳкамлаб боришга аҳд қилганмиз. Бунинг учун бизда барча шароит ва имкониятлар мавжуд.

Фурсатдан фойдаланиб бутун халқимизни, ота-оналаримизни, бизга таълим-тарбия бераётган устозларимизни, билимга чанқоқ талаба-тенгдошларимизни Наврўз байрами билан чинқалбимиздан табриклаймиз. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин! Байрам барчамизга муборак бўлсин! Самимият ва ҳурмат билан

**даволаш факультети
103- гуруҳ талабалари**

«НАВРЎЗ» халқ байрамининг инсоний ва байналмилал моҳияти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Умар Хаём берган маълумотларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкин-ки, 26 асрдан буён нишонланиб келаётган Наврўз байрами бошланиши билан ўзаро урушлар тўхтатилган, ярашиш шартномалари битилган, ҳатто дафн маросимлари бошқа кунга кўчирилган. Бу байрам шунчалик эҳтиромли, қувончли ва дўстларни йўқлаш, касаллар ҳолидан хабар олиш, марҳумлар қабрини зиёрат қилиш, дўстлараро садоқатликни билдириб, инсон қадрини эъзозлаш каби одатларга амал қилинган. Ҳаётимизда Наврўз билан боғлиқ сақланиб келаётган анъаналардан бири янги туғилган болаларга Наврўз исмини қўйиш одатидир. Лутфийнинг ажойиб асарларидан “Гул ва Наврўз” дostonида Фаррух шохнинг ўғли шу кунни туғилгани учун унинг оти Наврўз деб қўйилган. Ҳозир ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида Наврўз кунни туғилган бўлса, ўғил болаларга Наврўз деб, Фарғона водийсида эса, кўпинча, қиз болаларга Наврўза деб исм қўйилди. Илгари маҳаллий клим шароити ва унга мос турмуш тарзи ҳамда меҳнат тажрибаси, йил фаслларининг алмаши-

нишига қараб деҳқон ва чўпон йиллари фарқ қилинган. Деҳқон йили 21-мартдан кейин — ер илиб, ўсимликлар жонлангандан кейин бошланади. 16-мартдан ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлаши билан чўпон йили ҳисобланади.

Умумхалқ байрамлари ва тантаналар ҳам айрим оила ва унинг аъзоларининг фаол иштироки билан ўтиши уларнинг жамият олдидаги бурчи ва вазифасини ўташи, масъулиятни ҳис этиш ва тартиб — қоидаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Барча оилаларда байрам ва маросимларга олдиндан тайёргарлик кўрилади, совға-саломлар инъом қилинади. Барча оилавий-маиший маросимлар ўзининг қувноқлиги, тантанворлиги, ранг-баранглари, гўзаллиги, маънавий мазмундорлиги ва эстетик таъсирчанлиги билан кишанларни руҳий жиҳатдан доим рағбатлантириб, миллий маданият ва маиший турмушни бойитиб келган.

Ш.С.ЮНУСОВА
ТТА қошидаги академик лицей ижтимоий фанлар кафедраси мудири
Ю. МАХМУДОВ,
Фалсафа фанлари номзоди

Ҳикмат




Инсофсиз ўз бошига ўзи этади.



Ҳикмат

Ҳикмат



Тажриба барибир сўзини айтади.



Ҳикмат

УЧЕБНО-НАУЧНЫЙ ЦЕНТР СТОМАТОЛОГИИ ТМА – ОПЛОТ ОТЕЧЕСТВЕННОГО СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Современная стоматология представляет собой наиболее динамично развивающуюся отрасль медицины, успешная работа в которой требует как владения современными технологиями, знакомства с современными материалами и знаний последних достижений стоматологической науки, так и умения использовать достижения новых компьютерных технологий.

Ташкентская медицинская академия в настоящее время представляет собой один из наиболее активных и значимых субъектов узбекского медицинского образовательного пространства, являясь лидером стоматологического образовательного процесса и ведущим медицинским вузом Узбекистана.

Достижение высокого качества образования, проведение фундаментальных и прикладных научных исследований на базе современных инновационных интеллектуальных технологий является приоритетной задачей стоматологического факультета.

В целях обеспечения качества и эффективности образовательного процесса, отработки и внедрения лучших традиционных и новых образцов педагогической деятельности, взаимного профессионального общения, обмена опытом, выработки единых критериев к оценке результатов образовательной деятельности студента и педагогической деятельности преподавателя был организован Учебно-научный центр стоматологии.

10 — 11 марта 2014 года состоялось долгожданное открытие центра, расположенного на старой территории Ташкентской медицинской академии.

Множество гостей из министерств и ведомств Республики, руководство и профессорско-преподавательский состав медицинских вузов республики посетили красочное мероприятие, посвященное открытию Учебно-научного центра стоматологии.

В течение полутора лет были проведены капитальная реконструкция и оснащение центра, осуществленные при поддержке правительства Республики Узбекистан. При непосредственном руководстве ректора ТМА, академика Каримова Ш.И. и декана стоматолога факультета, профессора Хабилова Н.Л. совместно с заведующими специализированными кафедрами была разработана и внедрена в жизнь структура нового центра.

Немаловажным является тот факт, что в разработку структуры нового центра были привлечены студенты, магистры и клинические ординаторы стоматологического факультета. Молодежь были даны предложения с учетом их пожеланий, опыта зарубежных вузов и внесен существенный вклад в формирование деятельности центра. Систематически организовывались встречи и обсуждения. На сегодняшний день определена основная стратегия деятельности центра с учетом его перспективного развития.


Надо отметить, что центр оснащен современным оборудованием для организации как учебного процесса, так и научной деятельности. Пользуясь моментом, от имени всех студентов стоматологического факультета выражаем свою искреннюю благодарность за помощь, оказанную нашим государством в создании условий для равного обучения на уровне мировых аналогов.

В рамках мероприятия, посвященного открытию центра, были организованы видеоконференции со студентами МГМСУ и КГМИ им. И.Асфандиярова.

Основу функционирования центра составляет реализация фантомного этапа практической подготовки мануальных навыков. Особенность обучения на фантомах заключается в том, что профессиональное действие может быть неоднократно повторено для выработки уверенности в выполнении и ликвидации ошибок. Опыт зарубежных вузов показывает широкое использование нативных препаратов, по своим анатомическим характеристикам пригодных для отработки техники ряда хирургических манипуляций и оперативных вмешательств в условиях, абсолютно приближенных к реальным. И в нашем центре по аналогии с зарубежными вузами созданы благоприятные условия для работы с нативными препаратами.

Для выработки уверенности выполнения практических навыков и предупреждения возможных ошибок, за счет того, что профессиональное действие будет выполняться в реальных условиях, организовано обучение с волонтерами на базе «Модуля рабочего места стоматолога». Работа с волонтерами позволит нам не только формировать профессиональные умения, но и поддерживать их на необходимом уровне в ежедневной практике.

Окончание на 5-й стр.



Окончание на 5-й стр.

Окончание на 5-й стр.



Йўлини топмаган ўзини ҳар ёққа уради.



Окончание. Начало на 4-й стр.

Для обеспечения модернизации медицинского стоматологического образования в центре внедрена отработка практических навыков с применением современных технологий. Мы были рады, узнав, что для студентов организован учебный курс, на примере САД-САМ-технологий позволяющий изучить современные методы компьютерного конструирования различных видов зубных протезов.

Одним из главных нововведений является «Служба психологической помощи», призванная оказать студенческой молодежи психологическую поддержку в личностной и профессиональной самореализации, социальной адаптации к студенческому образу жизни и меняющимся социально-экономическим условиям.

Благодаря работе кабинета иностранных языков улучшенные знания, к примеру, английского языка, должны стать основой использования студентами иностранного языка как средства информационной деятельности, самообразования и профессионального общения.

Организаторы центра позаботились и об интерьере. Мы очень рады, что в нашем центре стены обрели прекрасный облик благодаря художественным произведениям заслуженного художника Узбекистана Енина В.И.

На базе созданной научно-исследовательской лаборатории планируется проведение многопрофильных и междисциплинарных научных исследований для расширения и укрепления научно-педагогической школы факультета.

Сердцем нашего центра является «Молодежный инновационный центр». Целью организации инновационного центра является повышение качества профессиональной подготовки будущих специалистов путем активного привлечения молодежи в процесс инновационного развития узбекского высшего образования.

Особое внимание уделено духовно-нравственному воспитанию молодежи. В данном направлении созданы кабинет духовности и просвещения, а также Музей стоматологического факультета.

Организация кабинета духовности и просвещения будет способствовать нравственному воспитанию студентов и формированию у них патриотизма, гордости за Родину и академию, социальной ответственности перед обществом.

Решая основные задачи в области регионального развития, центр будет содействовать социальному, экономическому, правовому и культурному развитию страны и региона, сотрудничая со стоматологическими факультетами региональных вузов, будет способствовать повышению качества жизни и здоровья населения путем активного внедрения новейших диагностических и лечебных технологий.

Решая основные задачи в области международной деятельности, центр будет интегрирован в процессы формирования единого образовательного пространства, сохраняя отечественные традиции, будет участвовать в формировании междуна-



национальных университетских связей, развивает международное взаимодействие в области науки и высоких технологий и совершенствовать систему обучения иностранных студентов; активно участвовать в региональных программах международного сотрудничества.

Перед высшей стоматологической школой Узбекистана встала задача обеспечения практического здравоохранения специалистами, обладающими глубоко-

ми теоретическими общемедицинскими знаниями, способными самостоятельно выполнить основные практические навыки и манипуляции, владеющими современными материалами и технологиями, конкурентоспособными на современном рынке труда.

Созданные на современном уровне условия в Учебно-научном центре стоматологии позволят достичь поставленных целей.

Мы, молодые дарования, наследники Авиценны, полные интересной жизнью, рады, что имеем множество возможностей для хорошего карьерного роста. Наш центр будет способствовать новым научным открытиям и развитию молодых ученых.

Студентка группы № 201 стоматологического факультета Ташкентской Медицинской академии Фарангиз Умарханова



Муттаҳамнинг ҳақиқати манфаатпарастликдир.

